

Сийрат дарслари (90-дарс). Намозни интизор бўлиб кутиш



13:30 / 19.06.2020 3400

376. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизларни Аллоҳ хатоларни ўчирадиган, даражаларни кўтарадиган нарсага далолат қилайми?»** дедилар. «Албатта, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. **«Қийинчиликларга қарамай таҳоратни яхшилаб қилиш, масжидларга қадамни кўпайтириш ва намоздан сўнг намозни интизор бўлиб кутиш. Ана ўша сизлар учун «муробит»ликдир»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Чегарани қўриқлаб турадиган одам «муробит» дейилади.

377. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бирингиздан ҳар бўғимига садақа лозим бўлади. Демак, ҳар бир тасбиҳ садақадир, ҳар бир ҳамд садақадир, ҳар бир таҳлил (Лаа илааҳа иллаллоҳ) садақадир ва ҳар бир такбир садақадир. Амру маъруф садақадир. Наҳйи мункар садақадир. Ўшаларнинг ўрнига чошгоҳда икки ракат намоз ўқиш кифоя қилади»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

378. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Бирингиз ташаҳҳудни ўқиганидан кейин Аллоҳдан тўрт нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрасин: «Аллоҳим, Сен ила жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, тириклик ва ўликлик фитнасидан ҳамда масиҳ дажжолнинг фитнасидан паноҳ сўрайман», десин».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан